



### Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган

Инвестиция дастурини амалга ошириш бўйича марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилган ирригация ва мелиорация объектларини куриш ва реконструкция қилиш объектларига истисно тариқасида маҳаллий ҳокимиятлар ва вазирликлар ҳамда идоралар бош нудрат ташкилотларини тендер савдолари ўтказмасдан, энг мақбул таклифлар танлови асосида аниқлаш бўйича танлов комиссиясини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4067-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 январдаги 01-05/1-4676-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:


1. Қорақалпоғистон Республикасида 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш бўйича марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилган ирригация, мелиорация ҳамда куриш, реконструкция қилиш объектларига бош нудрат ташкилотларини тендер савдолари ўтказмасдан, энг мақбул таклифлар танлови асосида аниқловчи танлов комиссияси (кейинги ўринларда магнда комиссия деб юритилади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Комиссия аъзоларига 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш бўйича марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилган ирригация, мелиорация ҳамда куриш, реконструкция қилиш объектларига истисно тариқасида маҳаллий ҳокимиятлар ва вазирликлар ҳамда идоралар бош нудрат ташкилотларини тендер савдолари ўтказмасдан, энг мақбул таклифлар танлови асосида ҳалол, ҳолисона ва адолатли турда аниқлаш топирилсин.

Бунда асосан нудрат ташкилотларининг етарлича машина ва механизмлар билан таъминланганлигига, соҳа бўйича зарурий курувчи-муҳандисларга ва объектлар қурилишида бой тажрибага эга эканлиги ҳамда молиявий аҳволи этиборга олинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Хожаметов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К.Сариев



Вазирлар Кенгашининг  
2019 йил « » февралдаги  
№ -сонли қарорига  
илова

Қорақалпоғистон Республикасида 2019 йилга мўлжалланган  
Инвестиция дастурини амалга ошириш бўйича марказлаштирилган  
манбалар ҳисобига молиялаштириладиган ирригация, мелиорация ҳамда  
қуриш, реконструкция қилиш объектларига бош пудрат ташкилотларини  
теңдер савдолари ўтказмасдан, энг мақбул таклифлар танлови  
асосида аниқловчи танлов комиссияси

#### ТАРКИБИ

- С.Хоҷаметов - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши  
Раисининг ўринбосари, *танлов комиссияси раиси*
- А.Уразимбетов - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар  
Кенгашининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари  
бўйича қотибияти бошлиғи в.б, *танлов комиссияси  
раисининг ўринбосари*
- Ж.Узақов - Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири,  
*танлов комиссияси раисининг ўринбосари*  
Танлов комиссияси аъзолари.
- И.Юнусов - Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги  
вазирининг биринчи ўринбосари
- Е.Қошеков - «Қорақалпоғистонсувқурилишинвест» ДУК директори  
в.в.б
- Б.Алланиязов - Молия вазирлигининг бўлим бошлиғи
- С.Сапаров - Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг бўлим бошлиғи
- М.Заратдинов - «Uz GIP» МЧЖ Қорақалпоғистон шўъба корхонаси  
директори
- Д.Сапаров - Давлат солиқ бошқармаси сектор бошлиғи
- А.Ажимуратов - Давлат архитектура ва қурилиш нazorат инспекцияси  
етакчи мутахассиси
- Қ.Оразимбетов - АТБ «Турон банк» Нукус филиалининг бўлим  
бошлиғи
- Лавозими бўйича* - Тегинли туман ҳокимининг ўринбосари
- Лавозими бўйича* - Тегинли эксплуатация ташкилоти раҳбари
- Е.Бекниязов - «Қорақалпоғистонсувқурилишинвест» ДУК етакчи  
мутахассиси, *танлов комиссияси қотиби*

